

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил январь ойининг 21 куни жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти Шаҳрихон туман суди, суд биносига, очиқ суд мажлиси бўлиб, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг раиси А.Дадаханов, А.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Шаҳрихон туман прокурорининг ёрдамчилари С.Бекмухаммедов, И.Давронов, судланувчи Б.Маматхонов ва унинг ҳимоячиси, Шаҳрихон туман “Shahrixon huquqni himoya qilish” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Алижоновларнинг иштирокида, Маматхонов Бахромбек Холматовичга нисбатан жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Маматхонов Бахромбек Холматович (Mamatxonov Bahrombek Xolmatovich) 1970 йил 14 апрелда Шаҳрихон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, партиясиз, депутат эмас, давлат мукофотлари олмаган, судланмаган, тадбиркор, Шаҳрихон тумани, Абдусамат МФЙ, Машъал кўчаси, 12-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221, 227-моддалари тартибда 2021 йил 17 апрель куни ушланган, жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман судининг 2021 йил 18 декабрдаги ажримига кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 30 декабрь куни олган, Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Маматхонов Бахромбек Холматович қуйидаги ҳолатда жиноят содир этган.

Б.Маматхонов интернет тармоғининг “Fesebook” сайтида ўзининг “Bahrombek Mamatxonov” номли профилини яратиб, интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, ушбу профили ёрдамида диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқарувчи материаллар тоифасига



кирадиган ҳозирда Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган “Махмуд Абдумўмин”, “Абдували Мирзаев”, “Абу Салоҳ”, “Рашод Камолов”, “Содиқ Самарқандий”, “Абдулло Бухорий”, “Рафиқ Камолов”, “Абдуллох Зуфар”ларнинг маърузаларини тинглаб, уларнинг таъсирига тушиб, ушбу маърузаларда келтирилган фикр ва ғояларни қўллаб қувватлаб, уларга ҳайрихоҳлик билдириб, ушбу маърузаларни тарқатиш ва ундаги ғояларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида 2020 йил 19 сентябрда телефон апаратининг хотарасида мавжуд бўлган Абу Салоҳнинг “Ҳақни айтганларга қийинчилик келиши, ҳақни айтолмаса ҳижратга чиқиши кераклиги, ортидан давлат ходимлари уни таъқиб қилиши, ҳақни айтса қамалиб кетиши, шунинг учун ҳижрат қилишлик кераклиги” мазмунидаги “Устоз Абу Салоҳ – Ҳақни айтганлар қамалади” номли, 2021 йил 2 июлда Рафиқ Камоловнинг “Бенормозлик, номоз мўмин кишининг ҳужжати, номоз ўқимаган одамнинг ҳужжати йўқлиги, ўзини мусулмонман деб айтишга ҳаққи йўқлиги, унинг мусулмон саналмаслиги, номоз ўқимасдан вафот этган одамнинг орқасидан дуои фотиҳа қилиниши масхарабозлик эканлиги, унга Қуръон тиловат қилган одам гуноҳкор экани бенормоз кишиларнинг охирадаги ҳолати” мазмунидаги “Benamoz QALBIM TOZALAR Eshitsin” номли ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган маърузаларини ўзининг қўл телефонидаги интернет жаҳон ахборот тармоғи ҳисобланган “Facebook” ижтимоий тармоғидан фойдаланган ҳолда “Вахромбек Маматхонов” номли профилига жойлаштириш орқали фойдаланувчининг ижтимоий тармоғидаги виртуал дўстларига тарқатганлиги аниқланиб, Б.Маматхонов жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тарқатган.

Маматхонов Бахромбек Холматович Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Б.Маматхоновнинг айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва суд жараёнида текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Хусусан, судланувчи Б.Маматхонов судда, айбловга иқроп бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиб келганини, оддий одам каби ўзи ҳам динга ёшлигидан эътиқодда бўлиб келиб, беш вақт намозларини ўқиб юришини, қўл телефони воситаси орқали жаҳон интернет ижтимоий тармоқларидан ҳам фойдаланиб келганини, асосан телефон орқали интернетнинг “Одноклассники”, “Телеграмм”, “Инстаграмм” ва “Facebook” ижтимоий тармоқларидан мунтазам равишда фойдаланганини, фойдаланган ижтимоий тармоқларидан асосан оилавий батлашиш, янги чиқаётган янгиликлардан хабардор бўлиш



хамда ушбу ижтимоий тармоқлар орқали унга келаётган маълумотлар билан танишиб келганини, 2021 йил 11 ноябрь куни ИИБ ходимларининг чақирувига биноан хизмат хонасига ўз ихтиёри билан борганини, шунда ИИБ ходимлари унинг фойдаланиб юрган “Samsung S6” русумли уяли алоқа восита холислар иштирокида кўздан кечирилганини, аппаратнинг хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” тармоғидаги +99895-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонov” номли профилини кўздан кечириш ва иш учун аҳамиятли бўлган электрон ёзишмалар, мақолалар, китоблар, аудиоёзувлар, видеоёзувлар ва ёзишмаларни олиш жараёни ўтказилгани ва баённома расмийлаштирилганини, кўздан кечириш жараёни қуйидагича бўлиб, яъни “Вахромбек Маматхонov” номли профилининг кўздан кечириш вақтида, профилига жойланган ва шу орқали профилидаги “дўстлари”га юборилган қуйидаги маълумотлар борлиги аниқланганини, жумладан “Вахромбек Маматхонov” номли профилига 03.11.2021 йил куни “Shayx Abduvali Qori rahimahulloh” номли, 09.09.2021 йил куни “Имом маҳдий чиқди (дуо қилинг) (Mahmud Abdulmomin)” номли, 05.08.2021 йил куни “Umar Ali” номли, 02.07.2021 йил куни “Benamoz "qalbim tozalar" Eshitsin” номли, 11.05.2021 йил куни “Абу салоҳ ҳафизаҳуллоҳ Жиход ибодатларнинг энг афзалидур” номли, 04.01.2021 йил куни “Аслида сарой жавоҳирларининг уруши "Аллоҳ осмонда" дейдиганларга эмас, балки "шариат инсонники эмас, исломники" деганларга қарши очилган.” номли, 19.12.2020 йил куни “Огоҳ бўлинг! Кофирларнинг янги йил байрамини нишонлаш бизнинг динимизга ва этиқодимизга зиддир. Шайх Рошадхон ҳафизаҳуллоҳ” номли, 18.12.2021 йил куни “хушёрликни лозим тутинг шайх абдували қори саҳифамиз..” номли, 14.12.2021 йил куни “демократ муллаларни куплигига ишонманг шайх содик самаркандий.” номли, 13.12.2020 йил куни “сафлар ажралиб бораверади шайх Абдували қори” номли, 12.11.2020 йил куни “Абу салаҳ ҳафизаҳуллоҳ Муҳаммад фотиҳ роҳимаҳуллоҳ ни машхур сўзлари...” номли, 05.11.2020 йил куни “Қирғизистонлик рижоллар” номли, 08.10.2020 йил куни “2000 - yillar boshida Andijonda hujrada qorilar bilan birga yashab Alhamdulillah qori bo'ldik. Subhanalloh lekin Uzbda 95% qorilar qori bo'lgandan kn ilmga har...” номли, 19.09.2020 йил куни “Устоз Абу Салоҳ - Ҳақни айтганлар қамалади” номли 18.09.2021 йил куни “10000000\_831556684281876\_4340555000609663452\_n” номли видеофайл кўринишидаги материалларни жойлаштирганлиги маълум бўлганини, штказилган кўздан кечириш ҳаракатлари компьютер аппаратининг тегишли функцияси орқали



фотосуратга олиниб, ушбу фотосуратлар баённома фото иловасида чоп этилганини, кўздан кечириш жараёни якунида, унинг профилидан аниқланган файллар экспертиза тайинлаш орқали текшириб кўришлик учун интернет орқали кўчириб олиниб, диск хотирасига ёзилиб, пакетга солинганини, кейин унга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати ашёвий далил сифатида ИИБ ихтиёрига олинганини, унинг “Facebook” тармоғидаги саҳифасидаги виртуал дўстлари орасида Шахрихон тумани, Абдусамад МФЙ, Фахриддинов кўчаси, 4-уйда яшовчи С.Мамажонов ҳамда Шахрихон тумани, Хувайдо кўчаси, 28-уйда яшовчи Н.Мамаджоновлар борлигини, диний мазмундаги маълумотлар интернет ижтимоий тармоғининг “Facebook” тармоғи орқали умумий лентасида келганини, “Samsung S6” русумли телефондан унинг ўзи фойдаланиб, бошқа бирор яқин бу телефондан фойдаланмаганини, ушбу телефондан икки, уч йилдан буён фойдаланиб келиб, ўша вақтдан буён ушбу телефонда “Вахромбек Маматхонов” номли профилини яратиб, шу профилидан фақат ўзи фойдаланишини, кўздан кечириш давомида аниқланган материаллар унинг профилини лента саҳифасида мавжудлигини, аслида бундай нарсаларга мойиллиги йўқлигини, бу нарсаларни ҳақиқатда тушунмагани ва оқибати бундай бўлишини билмаганини, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлашини, ҳеч кимни даъват қилмаганини, тузукроқ диний билимлари ҳам йўқлигини, бу материалларни қасддан тарқатмаганини, материаллар виртуал дўстларига қачон тарқаб кетганлигини ҳам билмаслигини, билмасдан кўли тегиб кетган ҳам бўлиши мумкинлигини, нотўғри бўлганини тушуниб етганини, суддан ва барчадан кечирим сўрашини, қайтиб бундай ҳаракатлар бошқа такрорланмаслигини, имкон берилса келгусида ҳалол меҳнати билан, ватанига садоқат билан хизмат қилишини, саксондан ошган кекса онаси борлигини, ўзини қамоқда ўтирганидан онасининг хабари йўқлигини, унга онаси армон бўлиб қолмаслигини, билдирилган ишончни оқлашини, тўғри юриб, тўғри туришга ваъда беришини, соғлиги яхши эмаслигини, 2020 йилда юраги хуруж қилганини, иккинчи даражали невроз касаллигига чалиниб, кўриш қобилияти ҳам пастлигини, мунтазам дори-дармон билан юришини, ёши элликдан ошганлигини, оиласи, фарзандлари ва набиралари борлигини, шу набираларини келгусидан жамият ва халқ учун керакли етук фарзандлар қилиб тарбиялашини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдириб, суддан енгиллик қилиб, озод қилишни илтимос қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ С.Мамажонов судда, мусиқа фани ўқитувчиси нини, маҳалладоши Б.Маматхоновни яхши билишини, бу



одам оддий бир зиёли оиланинг фарзанди бўлишини, отаси ўтмишда уларни ўқитувчи устоз бўлганини, Б.Маматхоновга нисбатан адовати йўқлигини, кўча-кўйда кўрганида доим саломлашиб хол-аҳвол сўрашиб туришини, 2021 йилнинг 11 ноябрь куни уни Шаҳрихон тумани, ИИБга чақиритиб, интернетнинг «facebook» тармоғидаги унинг “Салимжон Мамажонов” саҳифаси холислар иштирокида кўздан кечирилганини, шунда менинг «facebook» тармоғидаги “друзья” бўлимидаги 422 нафар виртуал дўстлари орасида Шаҳрихон тумани, Абдусамат МФЙ, Машғал кўчасида яшовчи Б.Маматхоновнинг ҳам “Вахромбек Mamatxonov” номли саҳифаси мавжуд бўлиб, у томонидан саҳифасига жойлаштирилаётган ҳар бир янгилик шу жумладан ўзининг профилига жойлаштирган диний ва бошқа мазмундаги видео ва аудиоёзувлардаги маърузалар ҳам унинг профилига етиб келганини, кўздан кечириш жараёни холислар ва мутахассис жалб қилинганини, унга тегишли интернетнинг “facebook” тармоғидаги +99899-328-31-63 телефон рақамига расмийлаштирилган “Салимжон Мамажонов” номли профилга кирилганда, “Салимжон Мамажонов” профилининг “лента” қисмига таниши Маматхонов Бахромбек ўзининг “Вахромбек Mamatxonov” номли профиль орқали қуйидаги маълумотларни жойлаб тарқатганлиги аниқланганини, жумладан 03.11.2021 йил куни “shayx abduvali qori rahimahulloh” номли, 09.09.2021 йил куни “имом маҳдий чиқди (дуо қилинг) (mahmudabdulmomin)” номли, 05.08.2021 йил куни “umar ali” номли, 02.07.2021 йил куни “benamoz "qalbm tozalar" eshitsin” номли, 11.05.2021 йилд куни “abu saloh xafizaxulloh jixod ibodatlarining eng afzalidur.” номли, 04.01.2021 йил куни “аслида сарой жавахирларининг уруши “аллоҳ осмонда” дейдиганларга эмас, балки “шариат инсонники эмас, исломники” деганларга қарши очилган” номли, 19.12.2020 йил куни “огоҳ бўлинг! кофирларнинг янги йил байрамини нишонлаш бизнинг динимизга ва этиқодимизга зиддир. шайх рошадхон ҳафизахуллоҳ” номли, 18.12.2021 йил куни “хушёрликни лозим тутинг шайх абдували қори саҳифамиз..” номли, 14.12.2021 йил куни “демократ муллаларни куплигига ишонманг шайх содик самаркандий.” номли, 13.12.2020 йил куни “сафлар ажралиб бораверади шайх абдували қори” номли, 12.11.2020 йил куни “abu salaх xafizaxulloh muхаммад фотиҳ роҳимахуллоҳ ни машхур сўзлари...” номли, 05.11.2020 йил куни “қирғизистонлик рижоллар” номли, 08.10.2020 йил куни “2000 - yillar boshida andijonda hujrada qorilar bilan birga yashab alhamdulillah qori bo'ldik. subhanalloh lekin uzbda 95 foiz qorilar qori bo'lgandan kn ilmga har...” номли, 19.09.2020 йил куни “устоз абу салоҳ - ҳақни



айтганлар қамалади” номли 18.09.2021 йил куни “10000000\_831556684281876\_4340555000609663452\_n” номли видеофайл кўринишидаги материалларни жойлаштирганлиги маълум бўлганини, унинг “Салимжон Мамажонов” номли профилига, Б.Маматхонов ўзининг “Вахромбек Маматхонов” номли профил орқали дўст сифатида қўшилганлиги сабабли, юқоридаги маълумотларни Б.Маматхонов профилига жойлаганида автоматик тарзда унинг “Салимжон Мамажонов” номли профили тасмасида акс этганини, унинг профилига Б.Маматхонов томонидан тарқатилган видео ва аудиоёзувларни бошқа ҳеч кимга тарқатмаганини, тарғибот ташвиқот қилмаганини, бу материалларни очиб ҳам кўрмаганини, бу ҳолатларни ИИБга келганда билганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Я.Рахимов судда, Б.Маматхоновни танишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, ҳақиқатан ҳам 2021 йил 11 ноябрь куни ИИБ ходимларининг таклифи бу ишга гувоҳ сифатида жалб қилинганини, ИИБ биносида фуқаро Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” тармоғидаги +99895-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонов” номли профилини кўздан кечириш ва иш учун аҳамиятли бўлган электрон ёзишмалар, мақолалар, китоблар, аудиоёзувлар, видеоёзувлар ва ёзишмаларни олиш жараёни ўтказилганини, жалб қилинган мутахассис фуқаро Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” тармоғидаги +99895-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонов” номли профилига кирганини, кўздан кечириш вақтида, “Вахромбек Маматхонов” номли профилга қуйидаги маълумотлар жойланиб, профилда мавжуд бўлган бошқа профилларга тарқатилганлиги аниқланганини, жумладан Б.Маматхонов “Вахромбек Маматхонов” номли профилига 03.11.2021 йилд куни “Shayx Abduvali Qori rahimahulloh” номли, 09.09.2021 йил куни “имом маҳдий чикди ... (дуо қилинг) (Mahmud Abdulmomin)” номли, 05.08.2021 йил куни “Umar Ali” номли, 02.07.2021 йил куни “Benamoz "qalbm tozalar" Eshitsin” номли, 11.05.2021 йилд куни “Абу салоҳ ҳафизаҳуллоҳ Жиход ибодатларнинг энг афзалидур.” номли, 04.01.2021 йил куни “Аслида сарой жавоҳирларининг уруши "Аллоҳ осмонда" дейдиганларга эмас, балки "шариат инсонники эмас, исломники" деганларга қарши очилган.” номли, 19.12.2020 йил куни “Огоҳ бўлинг! Кофирларнинг янги йил байрамини нишонлаш бизнинг динимизга ва этиқодимизга дир. Шайх Рошадхон ҳафизаҳуллоҳ” номли, 18.12.2021 йил



куни “хушёрликни лозим тутинг шайх абдували қори саҳифамиз..” номли, 14.12.2021 йил куни “демократ муллаларни куплигига ишонманг шайх содик самаркандий.” номли, 13.12.2020 йил куни “сафлар ажралиб бораверади шайх Абдували қори” номли, 12.11.2020 йил куни “Абу салаҳ ҳафизаҳуллоҳ Муҳаммад фотиҳ роҳимаҳуллоҳ ни машҳур сўзлари...” номли, 05.11.2020 йил куни “Қирғизистонлик рижоллар” номли, 08.10.2020 йил куни “2000 - yillar boshida Andijonda hujrada qorilar bilan birga yashab Alhamdulillah qori bo'ldik. Subhanalloh lekin Uzbda 95 foiz qorilar qori bo'lgandan kn ilmga har...” номли, 19.09.2020 йил куни “Устоз Абу Салоҳ - Ҳақни айтганлар қамалади” номли, 18.09.2021 йил куни қанақадир кўп рақамлар билан видеофайл кўринишидаги материалларни жойлаштирганлиги маълум бўлганини, ўтказилган кўздан кечириш ҳаракатлари фотосуратга олиниб, баённома фотоилловасида чоп этилганини, жараён якунида, Б.Маматхоновнинг профилидан аниқланган файллар экспертиза тайинлаш орқали текшириб кўришлик учун интернет орқали кўчириб олиниб, DVD диск хотирасига ёзилиб, пакетга солиниб муҳрланганини, шунингдек, Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати ашёвий далил сифатида ИИБ ихтиёрига олинганини, расмийлаштирилган баённомаларни холис сифатида имзолаганини, судланувчи Б.Маматхонов ҳам бу жараёнда иштирок этиб эътирозлар қилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Исмоилов судда, Б.Маматхоновни танишини, унга нисбатан адовати йўқлигини, ҳақиқатан ҳам 2021 йил 11 ноябрь куни ИИБ ходимларининг таклифи холис сифатида ИИБ биносига келганини, у ерда фуқаро Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” тармоғидаги +99895-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонов” номли профилини кўздан кечириш ва иш учун аҳамиятли бўлган электрон ёзишмалар, мақолалар, китоблар, аудиоёзувлар, видеоёзувлар ва ёзишмаларни олиш жараёни ўтказилганини, жалб қилинган мутахассис фуқаро Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” тармоғидаги +99895-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонов” номли профилига кирганини, кўздан кечириш вақтида, “Вахромбек Маматхонов” номли профилга қуйидаги маълумотлар жойланиб, профилда мавжуд бўлган бошқа профилларга тарқатилганлиги аниқланганини, жумладан Б.Маматхонов “Вахромбек Маматхонов” номли профилига 03.11.2021 йилд куни “Shayx



Abduvali Qori rahimahulloh” номли, 09.09.2021 йил куни “имом маҳдий чикди ... (дуо қилинг) (Mahmud Abdulmomin)” номли, 05.08.2021 йил куни “Umar Ali” номли, 02.07.2021 йил куни “Benamoz "qalhim tozalar" Eshitsin” номли, 11.05.2021 йилд куни “Абу салоҳ ҳафизаҳуллоҳ Жиход ибодатларнинг энг афзалидур.” номли, 04.01.2021 йил куни “Аслида сарой жавоҳирларининг уруши “Аллоҳ осмонда” дейдиганларга эмас, балки “шариат инсонники эмас, исломники” деганларга қарши очилган.” номли, 19.12.2020 йил куни “Огоҳ бўлинг! Кофирларнинг янги йил байрамини нишонлаш бизнинг динимизга ва этиқодимизга зиддир. Шайх Рошадхон ҳафизаҳуллоҳ” номли, 18.12.2021 йил куни “хушёрликни лозим тутинг шайх абдували қори саҳифамиз..” номли, 14.12.2021 йил куни “демократ муллаларни куплигига ишонманг шайх содик самаркандий.” номли, 13.12.2020 йил куни “сафлар ажралиб бораверади шайх Абдували қори” номли, 12.11.2020 йил куни “Абу салаҳ ҳафизаҳуллоҳ Муҳаммад фотиҳ роҳимаҳуллоҳ ни машҳур сўзлари...” номли, 05.11.2020 йил куни “Қирғизистонлик рижоллар” номли, 08.10.2020 йил куни “2000 - yillar boshida Andijonda hujrada qorilar bilan birga yashab Alhamdulillah qori bo'ldik. Subhanalloh lekin Uzbda 95 foiz qorilar qori bo'lgandan kn ilmga har...” номли, 19.09.2020 йил куни “Устоз Абу Салоҳ - Ҳақни айтганлар қамалади” номли, 18.09.2021 йил куни видеофайл кўринишидаги материалларни жойлаштирганлиги маълум бўлганини, ўтказилган кўздан кечириш ҳаракатлари фотосуратга олиниб, баённома фотоилоvasида чоп этилганини, жараён якунида, Б.Маматхоновнинг профилидан аниқланган файллар экспертиза тайинлаш орқали текшириб кўришлик учун интернет орқали кўчириб олиниб, диск хотирасига ёзилиб, пакетга солиниб муҳрланганини, шунингдек, Б.Маматхоновга тегишли “Samsung S6” русумли телефон аппарати ашёвий далил сифатида олиб кўйилганини, расмийлаштирилган баённомаларгани холис сифатида имзо қўйганини, ўша пайтда Б.Маматхоновнинг шахсан ўзи ҳам бу жараёнда иштирок этиб эътирозлар қилмаганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Тўхтаев судда, Шаҳрихон туманидаги “Абдусамат” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимида ишлашини, ҳақиқатан ҳам Б.Маматхоновни маҳалла раиси ва ўзининг бир маҳалладоши сифатида жуда яхши билишини, дўконлари ҳам маҳалла идорасининг ёнида жойлашган бўлиб, кунда ёки кун ора доим кўришиб туришини, Б.Маматхонов сўнгги вақтларда тадбиркорлик билан шуғулланиб, маҳаллада бўладиган жамоат ишларида фаол қатнашиб, кам таъминланган оилаларга қўлдан келган ёрдамларини кўрсатиб келганини, Б.Маматхонов яхши оиланинг фарзанди бўлиб, юриш-туриши жойида бўлганини,



илгари маҳаллада бировларни даъват қилиб, турли тарғибот ташвиқот қилган ҳаракатларини кузатмаганини, лекин телефонда интернетнинг турли ижтимоий тармоқлари орқали Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган домлаларни маърузаларини эшитиб тарқатганидан яқиндагина хабардор бўлганини, Б.Маматхонов бу ишни ҳам билиб-билмасдан ёки тушунмасдан содир қилиб қўйган деб ҳисоблашини, “Абдусамат” маҳалласининг раиси сифатида ва маҳалланинг номидан Б.Маматхоновни уларни кафиллигига беришни ҳам ўзларининг тарбиясига топширишларини илтимос қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ё.Маматхонов судда, Б.Маматхоновнинг укаси бўлишини, маълум бўлишича акаси Б.Маматхоновнинг қўл телефонида Ўзбекистон қонунларига тўғри келмайдиган диний экстремизм ғоялари билан йўғрилган маълумотлар ва ҳозирда Ўзбекистон Республикасида фаолияти тақиқланган домлаларни маърузалари борлиги аниқланганини, акасининг тузукроқ диний билими ҳам йўқлигини, яқин қариндошлари орасида ва авлодида давлатга қарши кимсалар чиқмаганини, акаси Б.Маматхоновнинг оиласи ва набиралари борлигини, бундан ташқари саксондан ошган кекса оналари бўлиб, акаси Б.Маматхоновнинг ҳозир қамоқда ўтирганидан хабари йўқлигини, билдиришмаганини, агарда онаси бундан хабар топса кўтара олмаслигини, акаси шу кунга қадар фақат халол меҳнат қилиб, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб тирикчилик қилиб келганини, акаси қасддан жиноят содир этмаганини, тушунмасдан оқибатини билмасдан ўзи хохламаган ҳолатда айбдор бўлиб қолганини, оиласи ва яқинлари номидан барчадан кечирим сўраб, суддан укасига нисбатан енгиллик қилиб кечиришларини илтимос қилиб кўрсатув берди.

Иш бўйича ўтказилган Диншунослик экспертизасининг 2021 йил 16 ноябрдаги №ИА-117 сонли хулосасига кўра, тадқиқот учун тақдим қилинган 3 ва 9-бандларда кўрсатилган маълумотда ақидапарастлик ғоялари мавжуд бўлгани сабабли мазкур маълумотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланиши, тадқиқот қисмининг 2, 6, 7, 8, 10, 11-бандларида кўрсатилган Абдували Мирзаев, Содик Самарқандий, Абдулло Бухорий, Абу Салоҳ, Абдулло Зуфар номномли шахсларнинг фикр, маъруза ва фатволари юртимизда анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридийлик ақидасига зид бўлгани, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишига сабаб бўлаётгани боис мазкур шахсларнинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқлангани, тадқиқот қисмининг 1, 5 ва 10-бандларида кўрсатилган файлларда Махмуд Абдулмўминнинг фикрлари



келтирилган бўлиб, Махмуд Абдулмўмин ўз маърузаларида “Ҳизбут-таҳрир” экстремистик ташкилоти ғояларини тарғиб қилиб келаётгани сабабли мазкур шахснинг чиқишлари ёзилган маълумотлар ушбу уюшмага нисбатан ҳайрихоҳлик кайфиятини уйғотиши, мазкур шахснинг чиқишлари ёзилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқлангани, тадқиқот қисмининг 4-бандида кўрсатилган файлдаги маълумотлар мутаассиблик руҳида шарҳланганлиги сабабли уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тайёрлаш ва тарқатиш тақиқланган.

Юқоридагилардан ташқари, шу иш бўйича дастлабки тергов даврида тўпланган жинойт ишидаги ҳужжатлар, жумладан Б.Маматхоновга тегишли IMEI рақами 358106060986638 бўлган “SAMSUNG S6” русумли телефон аппарати хотираси ва унга ўрнатилган интернетнинг “Facebook” ижтимоий тармоғидаги +99894-567-27-07 телефон рақамига расмийлаштирилган “Вахромбек Маматхонов” номли профилини кўздан кечириш ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотлардан нусха кўчириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган фотожадваллар, фуқаро С.Мамажоновга тегишли интернет тармоғининг “Facebook” сайтидаги профилларини кўздан кечириш ва иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни олиш ҳақидаги баённомалар ва уларга илова қилинган фотожадваллар, дастлабки тушунтириш хатлари, сўроқ қилиш баённомаларида акс эттирилган ҳолатлар судда текширилган айблов тафсилотларига тўла мос келиб, далиллар мажмуини тўлдириб, Б.Маматхоновнинг айби тўлиқ тасдиқланди.

Суд, жинойт ишида тўпланган Б.Маматхоновни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, юқорида қайд этилган далилларнинг ҳар бири ва уларнинг мажмуи, унинг айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир ҳил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уларни ишончли деб баҳолаб, айни вақтда, далилларнинг мажмуини Б.Маматхоновни ҳукм фабуласида баён қилинган жинойтни содир этганликда ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, Б.Маматхоновнинг Интернет жаҳон ахборот моғидан фойдаланган ҳолда ақидапарастлик ғоялари билан



йўғрилган материалларни тарқатиб, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тарқатганлик жинойи ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил

3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори, 3-бандидаги, Жиноят кодексининг

8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги тўғрисида тушунтиришлар берилган.

Суд, Қонун талабидан ва Олий суд Пленумининг қароридаги тушунтиришлардан келиб чиқиб,

- Б.Маматхоновга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган оғир жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали, 3 нафар фарзандлари борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Жиноят кодексининг 56-моддаси асосида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топиб, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорилигини ҳисобга олиб уни жамиятдан ажратмасдан туриб хулқини тузатиш мумкин эмас деган қатъий фикрга келиб, унга нисбатан қонун санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ ҳақида белгилаш;

- шу билан бирга ашёвий далил деб эътироф этилган Б.Маматхоновга тегишли 1 дона “Samsung S6” русумли IMEI: 358106060986638 рақамли телефон аппаратини йўқ қилиш;

- жиноят ишига илова қилинган 2 дона CD дискларни жиноят иши билан бирга сақлаш ҳақида белгилаш лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473-моддаларига амал қилиб, суд

**Х У К М Қ И Л А Д И:**



Маматхонов Бахромбек Холматович (Mamatxonov Bahrombek Xolmatovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Маматхонов Бахромбек Холматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмининг “г” банди билан 5(беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Маматхонов Бахромбек Холматович озодликдан маҳрум қилиш жазосини умумий тартибли колонияларда ўташи, жазони ўташ муддатини 2021 йил 17 декабрдан бошлаб ҳисобланиши белгилансин.

Маматхонов Бахромбек Холматовичга нисбатан қўлланилган қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган Б.Маматхоновга тегишли 1 дона “Samsung S6” русумли IMEI: 358106060986638 рақамли телефон аппарати йўқ қилинсин.

Жиноят ишига илова қилинган 2 дона CD дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Хукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчига эса ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан йигирма сутка ичида шу суд орқали Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи: (имзо) А.Дадаханов

Хукмнинг кўчирма нусхаси аслига тўғри.

Иш бўйича раислик қилувчи,  
жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон

туман судининг раиси: А.Дадаханов

**Маъсул судья: Дадаханов Адхам Хаджиевич**

